

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРДАН ЭССЕ ЁЗИШ УСЛУБИЯТИ ҲАҚИДА

Абдушукурова И., ГулДУ ўқитувчиси

Ижтимоий фанлар – Ўзбекистон тарихи, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, миллий истиклол ҳояси ва бошқа фанлардан эссе ёзиш кўпчиликнинг фикрича энг мураккаб фаолият турларидан ҳисобланади. Эссе – бу маълум бир мавзуда эркин шаклда ёзилган қисқача иншо демакдир. Эссе асосан талабалар мустақил ишлари бўйича бажариладиган иш турига киритилади. Талабаларнинг мазкур ишни бажаришга тайёргарлик кўриши мавзунини ўрганиш, муаммо билан умумий танишишдан бошланади. Эссе мавзулари ўтмишдаги ва замонавий машҳур мутафаккирлар, публицистлар, сиёсатдонларнинг фикрларидан иборат бўлиб, мазмун жиҳатидан Ўзбекистон тарихи, сиёсатшунослик, фалсафа, давлат ва ҳуқуқ асослари, социология ва бошқа ижтимоий фанлар мазмунига мос бўлган муаммоларни қамраб олган бўлиши лозим. Таклиф қилинаётган мавзулардан бирини танлаб олиб, талаба уни мини-иншо кўринишида очиб бериши талаб қилинади. Одатда, ўқитувчилар 2-3 бетлик иншо билан чекланишни сўрайдилар.

Эссе ёзишда қуйидаги асосий талаблар қўйилади: муаммони очиб беришда ўз шахсий фикрини, нуқтаи назарини тақдим этиш; жавобда танлаб олинган мавзу соҳасига оид таянч тушунча ва иборалардан фойдаланиш; ижтимоий ҳаёт ва шахсий тажрибадаги фактларга асосланган ҳолда ўз фикрини асослаб бериш, керакли тасдиқ ва исботларни келтириш; муаммони ҳал қилиш борасида шахсий таклифларни келтириш.

Талабаларга ТМИ бўйича топшириқ берилганда эссени ёзиш учун амалий тайёргарлик юзасидан қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади: асосий мазмун бўйича тушунча ва атамаларни умумлаштириш; мазкур тушунча ва атамаларни иншода тўғри ва ўз ўрнида қўллашга эътибор бериш; шахсий ҳулоса ва фикр-мулоҳазаларни билдириш учун таклиф қилинган билим соҳаларидан муаммоли фикрлардан фойдаланиш; ўз нуқтаи назарини тасдиқлаш учун илмий фактлар, замонавий жараёнлар, шахсий ҳаёт, ўз яқинларининг ҳаёти ва ижтимоий ҳаётдаги аниқ воқеаларга таяниш; эссени фандан олинган билимларга таяниб, баён қилиш мантиғига риоя қилган ҳолда ёзишга эътибор бериш лозим.

Эссе ёзшга тайёргарлик кўришда алгоритмдан фойдаланиш намунаси:

№	Босқичлар	Намуна
1.	Мавзунини танлаш, мавзу мазмуни бўйича таянч тушунча ва ибораларни, атамаларни ажратиш	Сиёсий соҳа: қонун, ҳуқуқ, ҳуқуқий давлат, жамият, суд тизими, сиёсий режим ва б.
2.	Ҳаволадаги тушунча ва атамаларни идентификациялаш	“Ҳуқуқсиз жамият йўқ” (Папиниан)
3.	Мазкур муаммо юзасидан тегишли тушунча ва атамалардан фойдаланган ҳолда шахсий муносабатни белгилаб бериш	Муаллифнинг бу сўзларига тўла ёки қисман рози бўлиш мумкин. Тўла рози бўлганда, ҳеч бир (цивилизациялашган) жамият қонунсиз ва суд тизимисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Суднинг роли ва ўрни, адлия органлари иши самарадорлиги ва бошқалар ҳақида мунозара қилиш мумкин, аммо ҳуқуқий институтлар зарур эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бошқа фикр: Мазкур цитатада Ғарб цивилизацияси учун хос бўлган жамият ҳаётида

		хуқуқнинг универсал роли ҳақидаги бўрттирилган тасаввур ўз аксини топган. Ҳуқуқ тарихий жиҳатдан бўйсунувчи ва муҳим бўлмаган ўрин тутган бошқа цивилизация вакиллари эса бундай тасаввур билан рози бўлмасликлари мумкин.
4.	Ўз нуқтаи назарини ижтимоий ҳаёт ва шахсий ҳаётий тажриба фактлари асосида асослаб бериш	Аниқ мисоллар асосида (подшо Ҳаммурапи қонунларидан то замонавий қонунчиликкача) хуқуқнинг инсоний жамиятнинг ўтмиш ва замонавий ҳаётидаги улкан ролини кўрсатиш лозим. Шу билан бирга турли цивилизациялар тарихида ҳуқуқ бир хил роль ўйнамаган. Ғарбда Қадимги Рим пайтларидан бошлаб унинг роли жуда катта бўлган, шунинг учун Папиниан цитатасини шунга яраша тушунмоқ керак. Аксинча, Россияда ҳуқуқ кўп ҳолларда бўйсунувчи ўринга эга бўлган, чунки руслар жамиятни юксак ахлоқий тамойиллар асосида қурмоқчи бўлганлар (бу ерда ҳукмрон эксперимент, Ғарб цивилизациясини танқид қилиш кабиларни эслаш мумкин).

Эссе ёзишдан ташқари талабаларга курсдошлари ёзган эсселарни таҳлил қилиш ва баҳолаш топшириғи ҳам берилиши мумкин. Эссени тақриз ва таҳлил қилиш учун қуйидагича кўрсатма таклиф қиламиз:

Саволлар	Ютуқлар	Камчиликлар
Эссе муаллифи ишнинг мазкур турига қўйилган талабларни акс эттира олдими?	Мазкур эсседа муаллиф цитатадаги муаммони таҳлил қилиб, ўз шахсий фикрини билдирди. Жумладан....	Шундай бўлса-да, цитата муаллифи ҳақида маълумот келтирилмади, муаммо аҳамиятини тасдиқловчи мисоллар келтирилмади...
Тегишли курс бўйича таянч тушунча ва иборалардан фойдаланганлик даражаси (тарихий, сиёсий ва б.)	Ишда муаллиф каби тушунча ва ибораларни ўз жойида қўллай олди.	Бироқ, мазкур мавзу учун муҳим бўлган каби тушунча ва иборалардан фойдаланмади.
Эсседа ички алоқаларнинг мавжудлиги, режадаги бандларнинг изчил равишда баён этилганлиги	Эссе муаллифи режадаги турли бандларни ёритишда ўз фикрларини мавзуга боғлаган ҳолда, мазмунга мос ҳолда ёрита олди.	Бироқ, бандлардаги муаммолар баёнида изчиллик йўқ.
Умумий баҳолаш: муаммо моҳияти тушунарлими, муаллиф ўз иши мазмуни билан қизиқтира олдими	Мазкур эссе менда катта қизиқиш (хайрат) уйғотди, сингари муаммолар устида ўйлашга ундади...	Келгусида муаллиф эътибор бериши лозим бўлган камчиликлар шундан иборатки,
Якуний баҳо (баллда)		

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, эссе ёзишга тайёргарлик борасида амалий машғулотлар пайтида талабаларга ижодий топшириқлаш бериш, мунозара, жуфт бўлиб ишлаш, ёзма манба ва ҳужжатлар билан ишлаш каби усуллар катта ёрдам беради.